Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 март, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 52 (1305)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 март куни мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Сардор Асеф Аҳмад Алини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривож топаётганини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида тез-тез ўзаро сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиб турилгани алоҳида аҳамиятга эга ва бу кейинги пайтда анъанага айланиб бормоқда, деди жумладан, Президент.

Сардор Асеф Аҳмад Али икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётгани мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик истиқболидан дарак беришини ва Покистон ҳукумати Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

Суҳбат давомида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, савдо-иқтисодий алоқалар ва минтақавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабулда Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шавкат Али Шайх ҳозир бўлди.

СУРАТДА : қабул пайти.
А. Тўраев тасвирга олган.
(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

белгилаб қўйилсинки, 1996 йил 1 январдан бошлаб:

корхоналар ва ташкилотларнинг фойдадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базаси футболни ривожлантириш ва кўмаклашишга, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлар суммасига, солиқ солинадиган фойданинг 5 фоизи миқдоригача, камайтирилади;

ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун товарлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси корхоналари маҳсулотларига 5 фоиздан ортиқ бўлмаган чекланган савдо устамаси қўлланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 13 март.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг тўртинчи махсус сессиясида тожик миллати ўртасидаги ўзаро можарони бартараф этиш имконият ва муаммоларини муҳокама қилди.

Депутатлар ягона йўл — тинч мулоқот эканини, йиғилиб қолган низоли масалаларни фақат музокаралар йўли билан ҳал қилиш зарурлигини таъкидладилар. Мухолифат вакилларининг Ашхабод декларациясига риоя қилмасдан, Душанбега келмагани таассуф билан таъкидланди.

Сессияда сўзга чиққан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотларни Тожикистон диёрида тинчлик ва осойишталикни тиклаш масалаларига эътиборни кучайтиришга чақирди. У тожикларнинг ўзаро можарони тинч йўл билан бартараф этишга интилишини мунтазам қўллаб-қувватлаётгани, Тожикистон халқига катта маънавий ва моддий ёрдам бераётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва қардош ўзбек халқига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Қардош мамлакат парламентининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов бошчилигидаги парламент делегацияси аъзолари сессияда кузатувчи сифатида иштирок этди.

(ЎзА).

ИСЛОҲОТ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

Бозор муносабатларига ўтишнинг Президент Ислом Каримов таъкидлаган беш тамойили ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон эришаётган дастлабки ютуқларнинг гарови бўлмоқда. Бу тамойиллар МДҲга аъзо бошқа мустақил давлатлардан фарқли равишда жаҳон ҳамжамияти олдида Ўзбекистонни ислоҳотларни амалга оширишда аниқ режа ва дастурга эга мамлакат сифатида танитди. Унинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборини оширди.

Албатта, гап фақат режа ёки дастурга эга бўлишда эмас, уни амалга оширишдадир. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон белгиланган режаларни ҳаётга татбиқ этиб, танланган йўлдан дадил одимлаётир. Мамлакатимиз танлаган йўлининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, давлат ўтиш даврида ислоҳотларни амалга оширувчи энг асосий куч бўлиб жамиятнинг ривожланиши жиҳатидан мураккаб даврда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳимоялаш йўлини тутади.

Жаҳон мамлакатлари тарихига назар солар эканмиз, ижтимоий сиёсат у ёки бу давлатда иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, инсоний салоҳиятни сақлаб қолиш ва тараққий эттириш, ниҳоят, жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юритилганини кузатамиз.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши давр тақозоси эди, десак хато бўлмайди. Ўзбекистон раҳбарияти ана шу эҳтиёжни теран англаб етгани унинг донишмандона сиёсатини белгилаб берди. Ўтмиш тузум даврида фақат хомашё етказиб берувчи минтақа бўлиб қолган республикамиз аҳолисининг қашшоқлик даражасига тушиб қолгани, мустақилликка эришилган пайтда мамлакат аҳолисининг қарийб 50 фоизини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этиши кучли ижтимоий сиёсатни тақозо этган омиллардандир. Шуниси аҳамиятлики, Президентимиз олга сурган беш тамойилнинг учтаси бевосита ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ.

Ўзбекистон ижтимоий муҳофазага ислоҳотларнинг дастлабки йиллариданоқ катта аҳамият бермоқда. Мамлакатимиз бюджетида бу борада қўшимча яна бир махсус банд пайдо бўлди. Ўзбекистон бюджетида қарийб 3 йилдан буён мавжуд бу банд бошқа мамлакатлар бюджетида учрамайди. Бу ҳам ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатимиз раҳбарияти тутган йўлнинг нечоғлик ўзига хос ва айни пайтда инсонпарварона эканидан далолатдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз Олий Мажлиси сессиясида ҳукумат 1996 йилда ҳам фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда давом этишини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, аҳолининг омонатдаги пул маблағларини индексациялаш, болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлар мамлакатимиз раҳбариятининг бу йўлда собиткадамлик билан ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

Шу ўринда Президентимиз россиялик журналистлар билан яқинда бўлиб ўтган учрашуви чоғида келтирган рақамларни эслаш жоиз. Жорий йилда мамлакатимиз бюджетининг харажатлар қисмидан 51,4 фоизи ижтимоий ҳимоя мақсадларига сарфланади. Маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, ижтимоий таъминот каби аҳолига хизмат қиладиган соҳалар, коммунал хизматлар учун дотация, пенсия таъминоти ва ижтимоий муҳофазанинг бошқа соҳалари шулар жумласидандир.

Айни пайтда мамлакатимиз раҳбарияти амалга ошираётган ислоҳотлар дастлабки натижаларини бера бошлагани билан жаҳон аҳлининг назарига, тилига тушди. Бу йўлни ҳатто бозор муносабатларига ўтишнинг «Ўзбекистон модели» деб атамоқдалар. Бунинг боиси ўтиш даврида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун давлат томонидан ишончли ҳимоя тизими яратилганида, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритилганидадир.

Бозор муносабатларига ўтишда фалаж қилиб даволашни (шок терапияси) қўллаш жамиятни тубдан ислоҳ қилиш даврида стихияли жараёнларнинг, ижтимоий неъматларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг кучайишига олиб келади. Маълумки, бу жараёнлар «Матфей қонуни» бўйича ривожланади, яъни бойлар бойиб, камбағал қатламлар қашшоқлашиб боради. Демакки, ижтимоий табақаланиш, ижтимоий тенгсизлик орта боради. Ўтиш даврида бу ижтимоий инфраструктуранинг иқтисодий ўсишдан ортда қолиши, пул қадрсизланишининг ва ишсизликнинг ошиши билан боғликдир.

Бироқ, ислоҳотлар Ўзбекистондаги каби босқичма-босқич ўтказилганда ва жамиятда динамик ва тез мослашувчан ижтимоий тизимга эга бўлинган тақдирдагина иқтисодий ислоҳотларнинг узоқ муддатли самарадорлигига ҳамда улар асосида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Бундай тизимнинг асосий белгиси шуки, бу даврда ўрта қатламга мансуб кишилар сони ортади. Мамлакатимизда мулкдорлар синфини барпо этишга катта аҳамият берилаётганининг боисини ҳам ана шу билан изоҳлаш лозим.

Сўз сўнгида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган ижтимоий сиёсат ижтимоий тенгсизликни босқичма-босқич бартараф эта боришга, фуқаролар ижтимоий-иқтисодий фаоллигини, тадбиркорлигини оширишга ва охир-оқибатда муваффақиятли иқтисодий тараққиёт учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилаётир. Ана шунинг учун ҳам бу сиёсатни халқимиз қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Бахтиёр ЭРКАЕВ,
Ўзбекистон президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси бозор иқтисодиёти факультети декани, иқтисод фанлари доктори.
(ЎзА).

БИРИНЧИ РАУНД ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим тузиш юзасидан Брюсселда ўтказилган музокаларнинг биринчи раунди муваффақиятли якунланди.

Ўзбек делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов бошчилик қилди. У ўз нутқида республика раҳбариятининг ҳуқуқий ва демократик давлатни барпо этишга қаратилган стратегик йўли қатъий эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги ахборот агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ ТУЗИШ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН МУЗОКАРАЛАР ЯКУНИГА ОИД

БАЁННОМА

7-8 март кунлари Брюсселда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим тузиш юзасидан биринчи раунд музокаралари бўлиб ўтди. Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар МДҲ таркибидаги бир қатор давлатлар билан худди шундай битимларни тасдиқладилар. Ўзбекистон билан тузилган Битим кўпгина соҳаларда, жумладан, мудофаа ҳавфсизлигининг ҳамма жабҳаларида ҳамкорлик қилишга имкон яратади. Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим инсон ҳуқуқларини ва демократик тамойилларни қадрлаш, шунингдек, бозор иқтисодиёти қоидаларига амал қилишга оид ўзаро мажбуриятларга асосланган ҳолда сиёсий музокараларга, савдо-сотиқ, компаниялар тузиш ва улар фаолияти, интеллектуал мулкни ҳимоялаш ва инвестиция қилинган капиталнинг эркин ҳаракат қилиши юзасидан олий даражадаги ўзаро мажбуриятларнинг ижросига ёрдам беради. Европа Иттифоқи бир қатор иқтисодий масалалар, жумладан, транспорт, энергетика, молиявий хизмат, хусусийлаштириш, фан ва технология, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, шунингдек, демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳаларида Ўзбекистонга кўмаклашишни таклиф этади. Шунингдек, у Ўзбекистонга Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига киришга тайёрланишда ёрдам кўрсатади.

Битим лойиҳасининг асосини ташкил этувчи ўзаро тан олинган қадриятлар орасида Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий бутунлигини қўллаб-қувватлаш масаласига томонлар алоҳида аҳамият қаратдилар. Улар ўз зиммаларига Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳужжатларида битилган тамойилларга тўла амал қилиш мажбуриятини олдилар. Битимнинг тўла ижроси Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва қонуний ислоҳотларнинг давом эттиришни талаб қилиши эътироф этилди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан савдо-сотиқ муносабатларини бундан буён жадаллаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Томонлар Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига тезроқ кириши ана шу жараёнга ҳал қилувчи туртки бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Музокаралар дўстона ва бир-бирини тушиниш вазиятида, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги бўлажак шериклик руҳида ўтди. Ҳар икки томон биринчи раунд музокараларининг якунидан мамнунлик изҳор этдилар.

АҚШДА ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМНОМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шу йил 4 март куни Вашингтон шаҳридаги Жоржтаун университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси билан Америкадаги энг нуфузли ўқув муассасаларидан бири ҳисобланувчи Жоржтаун университети ҳамкорликда уюштирди.

Маросимда Жоржтаун университети талабалари, профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ходимлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг ACCELS ва Жаҳон банки дастури йўналиши бўйича Вашингтонда бўлган илмий доиралари вакиллари фаол қатнашдилар.

Китобни тақдим этиш маросими Жоржтаун университети профессори Балшернинг табрик сўзлари билан бошланди. Бу олим Евроосиё тадқиқотлари бўйича мутахассис ҳисобланади. У ўз нутқида Марказий Осиёда ҳал қилувчи мавқега эга бўлган Ўзбекистоннинг Ғарб учун муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Республикадаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши хусусида ижобий фикрлар билдирди.

Шундан сўнг университетнинг улкан аудиториясида китобни тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчиси Ф. Тешабоева сўз берилди. У йиғилганларни китобнинг мазмуни билан атрофлича таништирди, унинг республикада ривожланиб бораётган ички жараёнларни чуқур ўрганиш борасидаги аҳамиятини қайд этди, бозор ислоҳотини амалга оширишда Ўзбекистонда эришилган ўсишни алоҳида таъкидлади. Бозор иқтисодиёти ва демократик жамиятга ўтишнинг ўзбекона моделининг мазмун-моҳиятини тушунтириб берди. Ушбу модел иқтисодий ислоҳотларни сиёсий барқарорлик ва ижтимоий тотувликни сақлаган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Маросимга йиғилганларда китоб катта қизиқиш ўйғотди. Унинг бир неча нусхаси ўқув ашёси сифатида университет кутубхонасига тақдим этилди. Дарвоқе, бу ҳақдаги ахборотни университет талабалари ва домлалари қизғин қўллаб-қувватлаган ҳолда кутиб олдилар. Ўзбекистондаги бозор ислоҳотларини ўтказиш тажрибасига қизиқиш кучли эканлигини шундан ҳам билса бўладики, презентация давомида университет талабалари ва профессорларидан Ўзбекистон тарихи, ташқи сиёсати, унинг минтақадаги роли билан боғлиқ жуда кўп саволлар тушди.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

13 март куни Вазирлар Маҳкамасида теннис бўйича «Президент кубоги» ва «Челленжер» анъанавий халқаро мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди.

Унда вазирликлар ва идораларнинг, манфаатдор ташкилотларнинг, бир қанча корпорациялар ва уюшмаларнинг, банкларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Республика ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда қайд этилганидек, республикамизда «Президент кубоги» теннис мусобақасига яхши тайёргарлик кўриш мақсадида бу йил мазкур турнир олдидан «Челленжер» тоифасида тўртта халқаро мусобақа ўтказилади. Бу мусобақалар 19 апреллан 27 апрелгача Фарғона шаҳрида, 26 апреллан 4 майга қадар Андижонда, 10 июндан 17 июнгача (хотин-қизлар турнири) Тошкентда ва 26 августдан 1 сентябрга қадар Самарқандда бўлиб ўтади. «Президент кубоги» учун мусобақалар 2-8 сентябрь кунлари бўлади.

Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов «Президент кубоги» учун мусобақаларга, республика пойтахтида теннис бўйича хотин-қизлар «Челленжер» турнирига тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида ахборот берди.

Мажлисда «Президент кубоги» учун халқаро мусобақалар ўтказиладиган Тошкентнинг «Юнусобод» комплексида, шунингдек Андижон, Фарғона ва Самарқанддаги теннис кортларида «Челленжер» тоифасидаги мусобақаларни ўтказишга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақидаги ахборотлар ҳам тинглади. Бу масала юзасидан «Ўзбексавдо» уюшмаси раиси З. Файзиев, юқорида номлари келтирилган вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари ахборот бердилар.

Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида бўлажак халқаро мусобақаларга тайёргарлик юзасидан муайян ишлар қилинаётгани таъкидлаб ўтилди. Ҳозир жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётган бу мусобақаларни ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинмоқда. Кўплаб спорт майдончалари ва стадионлар, меҳмонхоналар ва бошқа муҳим иншоотлар тартибга солинмоқда ҳамда таъмирланмоқда. Айни пайтда ҳал қилинмаган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Вазирлик ва идоралар, тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига тайёргарлик ишларини янада жадаллаштиришга доир аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Р. Юнусов, М. Усмонов иштирок этдилар.

(ЎзА).

ФОТОНИГОҲ

Шўртан конидан олинадиган табиий газлар таркибида катта миқдорда пропан-бутан аралашмаси борлиги ва унга талаб катта эканлиги ҳисобга олиниб, ўтган йили махсус корхона қурила бошланган эди. Қурилма қуввати йилига 60 минг тонна суюлтирилган газ олиш имконини беради. Асосий жараён 50 атмосфера босим остида, 76 даража совуқликда олиб борилади. Тайёр маҳсулот эса темир йўл цистерналарига юклатилган ҳолда истеъмолчиларга жўнатилади.

СУРАТЛАРДА: янги қурилманинг умумий кўриниши; қурувчи Шокир Рўзиев иш устида.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

ЎШБУ СОНДА:

2 «БОҒИ ЭРАМ»НИНГ ЭГАЛАРИ
СОҲИБҚИРОН ТЕГРАСИДА САФ ТОРТГАН ОКСОҚОЛЛАР

3 ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШИ
ТЕННИС: САТЕЛЛИТДАН ЧЕЛЛЕНЖЕРГАЧА

4 ҚУЙДИРИЛГАН «ҚАНИЗАК»
ЮРТ ТУЙҒУСИ

• Депутат бош бўлган жамоада

«БОҒИ ЭРАМ»НИНГ ЭГАЛАРИ

Улар юқори меҳнат унумдорлигига эришяптилар

Ўша кунларни эсласа, Мўйдинжон ака беихтиёр мийиғида кулиб қўяди. Ғалати замонлар эди-да. Ҳайҳотдай юк машинаси бўш аравани шалдиратиб, 20-30 чақирим йўл босса ҳам ҳеч кимнинг парвосига келмасди. Борди-ю, кўча четидаги фуқаронинг юкини олиб, ҳожатини чиқарса, текин даромад топгувчига чиқариларди. Турли идораларнинг сўроқ-саволига жавоб бериш, шоферни эса жазолаш лозим эди. Бундай ҳолдан Мўйдинжон аканинг тепа сочи тикка бўларди.

— Ҳой бирodарлар, — дерди у мутасаддиларга, — ҳайдовчиларнинг оёғига тушов солманг. Давлат ҳам фойда кўрсин, шофер ҳам умрини беҳудага ўтказмасин, ахир.

Ниҳоят, автокорхоналарда аҳолига пуллик хизмат жорий этилди-ю, оёғидан ўт чақнайдиган ишбилармонларнинг дилига ёруғлик тушди.

Кўнгил — кўнгил-да, Мўйдинжон ака ҳайдовчиларга яна шарт қўйди:

— Юк ташувчи буюртмачини излайдиган давр келди. Йўлга чиқадиган ҳайдовчи бўш масофа ҳисобига ташкилотлар билан шартнома тузсин.

Раҳбарнинг талаби айримларга ёқиқирамади, шекилли, ғудранишди:

— Машина рули қолиб, ташкилотма-ташкилот юрамиз, шекилли.

Орадан кўп ўтмай англаб етишди — танланган йўл тўғри экан.

Андижон туманида жойлашган хўжалик ҳисобида ишловчи 16-транспорт корхонаси вилоят сув хўжалик ташкилотларига хизмат қилади. Унинг ҳисобида 320 та юк машинаси бор. Вилоятнинг шимолий ҳудудаги Ширмонбулоқ тош конидан Пахтаобод тумани томонга юк ташийдилар. Мойлисой, Тентаксой қирғоқларида тошқин хавфининг олдиз олиниши учун тўсиқлар қилишади. Сув хўжалиги тизимидаги насос станциялари, темир-бетон заводлари юмушларини бажарадилар. Яширишнинг нима кераги бор, аввалари йўлдаги бўш масофа ҳисобига ҳайдовчилар имкониятни бой беришарди. Аслида-ку, унинг ҳисобини ҳам буюртмачи тўлайди. Аммо зарар кимга ёқади? Корхона фойда кўрса, йўл харажатини камайтиради. Демак, мижоз кўпаяди. Ўтган йили шу тарика 52 миллион 740 минг сўмлик иш бажарилди. Бу—кўзда тутилган режа 103 фоизга ўдаланди, дегани. Шубҳасиз, ҳайдовчиларнинг манфаатдорлиги ҳам ортди. Ашурали Худойбердиев, Ботирали Қўшоқов, Ғанижон Ўрмонов сингари ҳайдовчилар ойига 2000 сўмдан юқори иш ҳақига эга бўлишди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Мўйдинжон Раҳмоновни майда-чуйда гапларга тоқати йўқ раҳбар, дейишади. Йўқ, биз бу билан уни сиркаси сув кўтармайдиганлар хилидан, демоқчи эмасмиз. Корхона ишчи-хизматчиларининг ҳамиша юзи ёруғ бўлишини истайди. Шу боисдир, ҳафтанинг ҳар жума куни ташкилотда ҳаракат хавфсизлиги куни деб эълон қилинга Кўргазмали қуроллар, замонав техник анжомлар билан жиҳ лланган хонада машғулот ўтил ди. Юз бериши мумкин бўлг хавф-хатарларга оид кинолент лар намойиш этилади. Корхо бош муҳандиси Зиёвудд Зайнобиддиновнинг таъкид шича, ҳайдовчи ҳамиша ои сини, жамоа шаънини кўз с дида гавдалантириб турса, й қоидасини бузмайди, биров алламайди.

Корхонадаги мавжуд транспорт воситаларининг аксария ни «КаМАЗ» юк машинала ташкил этади. Эҳтиёт қисм ҳам деярли четдан олиб келинади. Аввалари бу борада ҳеч қандай гап йўқ. «Қишлоқ хўжалик техника таъминоти тузатиш» вилоят бошқармаси юкни елкасига олганди. Энди улар автокорхоналар билан шартнома туза олмаяпти. Боиси, эҳтиёт қисмлар олиб келиши мушкуллашиб кетди. Инкор этмаслигимиз керак. Кичик корхоналар бу борада воситачилик қилишаётир. Аммо улардаги нархни автокорхонанинг ҳамёни кўтармайди. Хўш, нима қилиш керак?

16-ХХТК нинг Андижон туманида 320 гектар ери бор. Сув чиқариш мушкул бўлган жойни олишиб, улар «Боғи эрам» деб аталмиш масканни ташкил этганлар. Майдонларга мевали кўчат экиш билан биргаликда деҳқончилик ҳам қилишаяпти. Ўтган йили бу ерда етиштирилган карам, пиёз сингари маҳсулотларни Россияга жўнатиб, эвазига эҳтиёт қисм олишди.

Корхона раҳбари таъмирлаш цехи бошлиғи Саидазим Камолхўжаевни ҳузурига чақириб сўради:

— «КаМАЗ» тўла таъмирдан чиқарилса, қанча пул сарф қилиниши мумкин?

Саидазим бироз ўйланиб турди-да, дангалини айтиб қўя қолди:

— 150 минг сўм!

Раҳбар хомаки ҳисоб-китоб қилиб кўрди. Мўмайгина пулни ўзга корхонага бергандан кўра, асосий юмушларни ўз усталарига юкласа бўлмайдими? Шундай бўлди ҳам. Инсон қўли гул, деб шуни айтсалар керак-да.

Корхонанинг уқувли чилангарлари, ишбилармон усталари машиналарни ҳамиша йўлга шай қилишаётир. Дарвоқе, ўтган йили эҳтиёт қисмлар учун 2 млн. 789 минг сўм сарфланиши лозим эди. Амалда ана шу маблағ тежаб қолинди. Демак, корхона ютди. Лекин борига барака дея қўлни қовуштириб турганлари йўқ. Бу йил 10 млн. сўм ҳисобига янги юк машиналари олишмоқчи. Ҳар қалай, янги — янги-да.

Автокорхонада темир интизом мавжуд. Йўқ, бу ерда биров-бировни қийин-қистовга солмайди. Ўзгани ҳурмат қилсанг, ўзингни улуғлаган бўласан, деган анъана қарор топган. Шу боис ёнилғи тежаб ишлатилади, техника қаровсиз қолмайди. Яна бир гап. Аввалари машиналар очиқ ҳавода сақланарди. Эндиликда усти ёпиқ, иссиқ гараждлар мавжуд. Тадбиркорлар бундай йўл тутиш билан икки томонлама ютишади. Иссиқ хонада сақланган машинани эрталаб қиздириш учун кўп вақт сарфламайдилар. Ёқилғи тежалади, вақтдан ҳам ютилади.

Ўтган йили Мўйдинжон Раҳмоновнинг номзоди республика Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилди. Сайловда қимлар билан беллашди, денг. Бирови Андижондаги институтлардан бирининг раҳбари, машҳур профессор, иккинчиси ҳам таниқли олим. Лекин у киши меҳнаткашлар билан учрашувда кўп гапирмади.

— Сизларнинг ташвишингиз менинг ташвишим, — деди холос. — Маъруза қилишдан кўра меҳнат қилишни ёқтираман...

Табиатан хушчақчақ, кўнглида кири йўқ инсон бўлмиш Мўйдинжон Раҳмоновга сайловчилар ишонч билдиришди. Қолаверса, унинг азамат йигитлари «Куйганёр», «Бўтақора» қишлоқлари, «Чўлпон», «Бакиров», «Ҳақиқат», «Ойдин булоқ», Омонов номли жамоа хўжаликлари меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиб келишарди.

Мўйдинжон Раҳмонов республика Олий Мажлисидаги водий транспортчиларининг ягона вакили. Гап бунда ҳам эмас. Суяги транспорт соҳасида қотмаганми, уларнинг ташвиши ҳақида кўп ўйлайди. «КаМАЗ», «МАЗ» сингари юк машиналари учун эҳтиёт қисмларни олиб келишни марказлаштирмаса бўлмайди, дейди у. Биргаликда қилинган ишда ҳикмат кўп-да. Энг аввало таннарх арзон тушади. Турли хил воситачилардан воз кечилади.

Тўғри, бозор—ўз номи билан бозор. Аммо автотранспортчиларни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш борасида муқобил йўл танлаш лозим. Кўплаб ташкилотларнинг ҳисоб рақамида пули йўқ. Лекин юкни ташиб олмаса бўлмайди. Насияга ишлайвериш ҳам бўлмайди. Аммо иш тўхтаб қолмаслиги керак. Бўлмаса, бу ҳол ишлаб чиқаришга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин...

Депутат билан узоқ суҳбат қурдик. Сув хўжалиги тизимида ишламайдими, унинг куюнчак гаплари бизни мулоҳаза қилишга ундади.

— Денгиз сатҳидан бир неча юз метрлаб юқорига сув чиқариб деҳқончилик қилгандан кўра, — дейди у, — ғалла эккан маъқулмикан. Ахир, ота-боболаримиз Андижон адирларидан яхшигина дон ҳосили олишган. Эндиликда эса сув насослари, электр энергиясига сарф қилинаётган маблағнинг ўзи ҳам салмоқли рақамларни ташкил этади.

Ўринли гап. Дарвоқе, автотранспортчилар бурноғи йили «Боғи эрам» ҳудудида 40 гектар майдонга буғдой сепган эдилар. Яхшигина даромад қилишди. Ўтган йили 100 гектар майдонга уруғ қадашди. Ҳозир яшил кўрпага бурканган далаларни кўриб ҳавасингиз келади.

Мўйдинжон Раҳмоновдаги ҳавасмандлик ҳар бир ҳайдовчининг кайфиятида қарор топган, десак муболаға бўлмас. Боиси, 20 сотихдаги иссиқхонада эртаки экинлар пишябти. 16 сотих жойдаги лимонарийда баҳор нафаси уфуряпти. «Боғи эрам» да эса кузда 10 минг туп мевали кўчат, 30 минг туп терак қаламчаси қадашган. Айни кунларда вилоят сув хўжалиги бирлашмасининг ёрдами билан 2 чақирим масофага қувурлар тортилаётир. Баҳорда яна бир эзгу ишга қўл урилади. Автокорхонадан «Боғи эрам»га шанба, якшанба кунлари махсус автобус ташкил этилади. Узоқ эмас, оралиқ масофа 30 чақирим. Энг муҳими, ҳар бир ҳайдовчига алоҳида экин майдони ажратиб берилади. Ахир, қишнинг қаҳратони, саратоннинг жазирамасида темир билан тиллашадиганлар кетмон ҳам ушлашса, бунинг нимаси ёмон? Айтадилар-ку, далада ишлаш — ҳам ҳордиқ, ҳам ишкома соҳибкорлик туйғусини кучайтиради, деб.

Ғазнасида пули борнинг қўли ҳам узун бўлади. Автотранспортчилар ўз маблағлари ҳисобидан ҳайдовчиларга 4 та коттеж қуриб беришди. Яна 20 та ана шундай уй тиклашмоқчи.

Инсоннинг ишдан кўнгли тўқ, кайфияти кўтаринки бўлса, меҳнати ҳам самарали бўлади. Энди англагандирсиз, халқ депутати етакчилик қилаётган корхонада омад ўз-ўзидан келмаяпти.

Фозилжон ШОДМОНАЛИЕВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати М. РАҲМОНОВ корхона ҳайдовчилари билан иш режалари хусусида суҳбатлашяпти.

Д. САМАТОВ тасвири.

СОҲИБҚИРОН ТЕҒРАСИДА САФ ТОРТГАН ОҚСОҚОЛЛАР

• Бизнинг шарҳ

«Ялтирбой оқсоқолнинг айтган сўзлари ўн минг уйли Қўнғирот элининг катта-кичигининг барига маъқул тушди.

Ҳаммаси — оқсоқол рост айтади, — деди. — Бойбўрининг феъли кетди, инисини билмади, Бойсарига закот солди, бу ўз инисидан закот олса, бизлардан тортиб олса ҳам олади, бунинг феъли қайтгани маълум; Бойсари кўчиб кетса, бизларни Бойбўри сира қўймайди, тортиб олса ҳам закотни олади энди. Бойсари кўчса бизлар ҳам кўчиб кетайлик, Бойсари ўлик ерда ўлик, тирик бўлса — тирик; энди Бойсин—Қўнғирот юртини Бойбўрига бўшатиб берайлик, Бойсин—Қўнғирот юртини бир ўзи ёйлаб олсин, — деди».

Шундай қилиб, ўн минг уйли Қўнғирот эли Ялтирбой оқсоқолнинг маслаҳатини маъқул билиб, кўч-кўронларини олишиб, Кашал элига кўчади. Улар беадад қўй-қўзилари-ю, уюр-уюр йилқилари ҳамда подалари билан олтин ой деганда тўқсон тоғдан ошиб, Чилбир чўлига етади. Уларнинг чорваси Тойчихон мамлакатининг кўм-кўк майса бўлиб, барқ уриб ётган экинларига қирон келтира бошлайди. Ана шунда, Кашал элининг хони Қалмоқшоҳ ҳам ўзининг ишонган беш юз нафар оқсоқолларини ҳузурига чорлаб, нима қилиш кераклиги ҳақида улар билан кенгашади ва бунга чора топади.

«Алпомиш» достонида куйланган ушбу воқеаларнинг эътиборли жиҳати шундаки, улус бошлиқлари муҳим масалаларни ҳал этишда доимо қабила оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш кўришган. Халқ оғзаки ижоди намуналарида бундай воқеаларга бот-боғ дуч келиш мумкин. Бу эса юртимизда қадимда ҳам оқсоқолларнинг обрў-эътибори ва нуфузи юқори бўлганлиги, улар қабила турмушига дахлдор масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этишганлигидан далолат беради.

«Темур тузуклари» асарида ёзилишича, буюк соҳибқирон Амир Темур ўзи тузган бепоён ва қудратли салтанатни қонун-қоида ва темир интизом билан идора этишда ўн икки тоифага алоҳида эътибор берган. Соҳибқирон ана шу тоифанинг бешинчиси — сипоҳ ва раият хусусида сўз юрита туриб, жумладан шундай дейди: «Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим».

Китобнинг «Салтанат саройида ўтириш ва ўқрин олиш тузуги»да баён қилинишича, улуғ амир ҳузурида бўладиган мажлислар чоғида мартабалари ва даражаларига қараб, тахт тоғрасида саф тортган аъёнлар орасида улус бошлиқлари, оқсоқоллари ҳам бўлишган. Соҳибқирон жорий этган қоидага мувофиқ мажлис аҳли ўз жойларини эгаллаб бўлишгач, дастурхонга минг товоқ ош ва минг дона нон қўйилган ҳамда уларга шоҳона шилон (зиёфат) берилган. Эътиборли жиҳати, мумтоз ва хос кишилар базмига олиб келинган минг товоқ ошнинг беш юз товоғи улус амирларига, саркардаларга ва оқсоқолларга тантанали равишда, ҳар бирининг номига атаб тарқатилган. Бу эса буюк соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг устунлари бўлмиш амирлар ва саркардалар қаторида эл-юрт оқсоқолларига ҳам катта ҳурмат-иззат билан муносабатда бўлганлигидан шоҳидлик беради.

Ҳа, халқимиз азалдан ёши улуғ, доно кайвониларни қадрлаб, уларнинг маслаҳатларига амал қилганлар. Мазкур анъана асрлар давомида турмуш тарзимизга чуқур сингиб, миллий қадриятларимиздан бирига айланганлиги ҳам шундан. «Қари билганни, пари билмас», «Қариси бор уйнинг париси бор». , «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» сингари пурҳикмат мақоллар бежиз айтилган, дейсизми.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлат бошқаруви тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Эскича усулларга барҳам берилиб, халқимизнинг оқсоқол, кайвони каби анъаналарига таянган ҳолда жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил топди. Унинг ҳуқуқий асослари қонун йўли билан тўла мустаҳкамланди. Ўзбекистон Конституциясининг 105-моддасида: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», дея белгилаб қўйилди. Натижада собиқ Иттифоқ даврида номигагина ташкил этилган маҳалла комитети ҳамда қишлоқ советлари фаолияти янгича мазмун ва маъно касб эта бошлади.

Юртбошимиз: «Мустақилликнинг олий мақсади — халқимиз иззатини жойига қўйишдир», деган эди. Бу ҳикматли гапнинг исботи энг аввало кўпни кўрган, доно кексаларимизга нисбатан айрича ҳурмат-эътиборда ўз аксини топди. Оқсоқолларимиз ўз навбатида истиқлолни мустаҳкамлаш, фаровон келажагимизни яратиш борасида қимматли фикр-мулоҳазалари, маслаҳатлари, ўрни келганда эса амалий ишлари билан фаол иштирок этишаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Маҳалла ҳамда унинг анъаналари халқимиз ҳаёти ва турмушига тобора мустаҳкам сингиб бормоқда.

Айни пайтда бирор бир тўймаъракса, тадбир ёки маросим йўқ-ки, у оқсоқоллар иштирокида ва маслаҳатисиз ўтказилаётган бўлса. Муштарийлар хабардор бўлсалар керак, кейинги пайтда мамлакатимизда тўйҳашамларни ортиқча чиқимларсиз, миллий урф-одат ва удумлар асосида тартибли қилиб ўтказишдек хайрли анъана кенг қулоч ёйди. Бунда ҳам ана шу оқсоқолларнинг хизматлари беқиёсдир.

Мамлакатимизда янгидан шаклланаётган маҳаллий ўзиниўзи бошқариш тизими фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Унинг вилоятлар ҳамда туманларда тузилган бўлимлари эса жойлардаги фуқаролар йиғинларига ташкилий ва амалий жиҳатдан кўмак бераяпти. Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг бурч ва вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган. Қонуннинг 16-моддасида: «Фуқаролар йиғини ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади», дейилган. Мана шунинг ўзи улар зиммасига нақадар масъулиятли вазифалар юклатилганлигидан гувоҳлик беради. Эътиборли жиҳати, мазкур қонунга кўра, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар томонидан овоз бериш йўли билан, яъни демократик асосда сайланади. Бу эса мамлакатимизда мустаҳкам қарор топаётган демократик тамойиллар давлат бошқарувининг юқори органларидан тортиб, энг қуйи тизимлари фаолиятигача ўз аксини топаётганлигидан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга давлатимиз томонидан алоҳида аҳамият берилаяпти. Бу борада жойлардаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ибратли ишларни амалга оширишаяпти. Хусусан, Президентимизнинг 1994 йил 23 январдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга доир тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан бундай кўмак фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширилмоқда. Тўғриси, бу усул жуда оқилона ва пухта ўйланганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Чунки маҳалла оқсоқоллари ўз ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитлари ва моддий таъминотини беш қўлдай билишади. Ҳозирги пайтда республикамиздаги мавжуд 12400 га яқин маҳаллаларда яшаётган оилаларнинг анчагина қисми давлатимизнинг ана шундай моддий ва маънавий мададидан баҳраманд бўлишмоқда. Энг муҳими, мамлакат тараққиётининг устивор йўналишларидан бирига айланган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати — фақатгина Ўзбекистонга хос бўлган инсонпарвар сиёсатдир. Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг янгича кўринишда вужудга келтирилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бироқ бу борада қувонарли ютуқларга эришилди. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишмоқда. Вақт ўтгани сари тажрибалар тўпланиб, анъаналар шаклланаётир. Маҳаллаларнинг обрў-эътибори эса кун сайин юксалиб бормоқда.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи»нинг қуйи бошқарув тизимлари бўйича шарҳловчиси.

ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ «ЭКО -АЛОҚА»

Ун чиқарадиган кичик тегирмонлар, порошоклар: резинаники (диаметри 0,5 мм), қаттиқ сплав, минераллар, рангли металлар, пластмасса, ёғоч каби маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва сотади.

Бизнинг манзилимиз: Гвардайкий кўчаси-49.

Телефон: 34-46-91: ички:311. Факс.: 33-59-18

БУ ГАЛ 36 КИШИ БОРАДИ

Жанубий Кореянинг бир қатор компаниялари мамлакатимиздаги ортиқча ишчи кучларини шартнома асосида ўз корхоналарига жалб қилишга катта иштиёқ билдиришмоқда. Ўтган йили фақат Нукус шаҳар меҳнат биржаси воситачилигида 40 нафар қорақалпоғистонлик ишчи шартнома асосида ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Албатта, бу компанияларда ишлаш учун талаб даражасидаги касб-корга ва сиҳат-саломатликка эга бўлишдан ташқари, корейс тилида сўзлашни ўрганиш керак бўлади. Бунда уларга Қорақалпоғистон Республикаси Корейслар уюшмаси ҳузурида ташкил қилинган икки ойлик ўқув машғулотлари қўл келмоқда. Ҳозирги пайтда мазкур курсда Нукус шаҳар меҳнат биржаси томонидан йўналтирилган яна 36 киши таълим олмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОНҚАНИНГ КЎРКИ

Хонқа тумани марказида кўкка бўй чўзган нақшиндор шарқона минора эндиликда шу юртнинг кўрки ва рамзига айланди.

Отаминор деб аталган 27 метрли бу иншоотни Хоразм махсус илмий-ишлаб чиқариш устахонаси ҳунармандлари бунёд этди.

Тарихнинг шоҳидлик беришича, ўтган асрда Хива хонлигининг йирик туманларидан бири бўлган Хонқада қатор мадрасалар, шунингдек, улкан минора қад кўтариб турган. Чоризм истибдоди натижасида ана шу тарихий обидалар билан бирга минора ҳам бузиб ташланган. Мана энди истиқлол туфайли қадимий анъана ва қадриятларимиз яна ўзимизга қайтмоқда.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

Профессор - ўқитувчилар таркибидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири:

- *автотракторлар двигателлари (фан доктори);*
- *меҳнат муҳофазаси ва муҳандислик экологияси (фан доктори ёки фан номзоди);*
- *йўл қурилиши иқтисоди ва бошқаруви (фан доктори ёки фан номзоди).*

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил:

Тошкент, Мавороуннаҳр кўчаси, 20 (ходимлар бўлими).

ОЛАМДА НИМА ГАП?



СУРАТДА: миллий амалий санъатини ўнида мужассам этган ҳинд қизи.

ЧЕККА ШАҲАРГА КЎЧИРИШМОҚЧИ ЭДИ

Италиядаги энг йирик ахборот маҳкамаси ҳисобланган АЖИ агентлиги ходимлари ўн кунлик иш ташлаш эълон қилди.

Журналистларнинг иш ташлашига АЖИнинг бош ҳомийси бўлган энергетика концерни раҳбарларининг ахборот маҳкамаси бош таҳririятини ҳам ўз қароргоҳи жойлашган чекка шаҳарга кўчиришга қарор қилгани асосий сабаб бўлди. Концерн агентлик фаолияти учун кетадиган харажатларни иқтисод қилиш мақсадида шу қарорга келган эди.

КЕСКИНЛИКНИ ҲИСОБГА ОЛИБ...

АҚШ сенатининг аъзолари Россия ва Хитойда қитъалараро ракеталар борлигини ҳисобга олиб, мамлакатда ракета ҳужумига қарши умуммиллий тизимини барпо этиш таклифи билан чиқди.

Уларнинг таъкидлашича, ҳозир Хитой ва Россияда Америка ҳудудига етиб борадиган қитъалараро ракеталар мавжуд. Бунинг устига, айни пайтда Хитой билан Тайван ўртасида вазият кескинлашиб турибди ва можарода АҚШ ҳам иштирок этиши мумкин. Шу боис, АҚШ ракета ҳужумига қарши мукаммал мудофаа тизимига эга бўлиши керак.

ТАЛАБ ЭТИБОРСИЗ ҚОЛМАСА КЕРАК

Чехия тиббиёт ходимлари 25 ва 26 март кунлари давлатга қарашли соғлиқни сақлаш муассасаларида маошларни оширишни талаб қилиб иш ташлаш эълон қилди.

Куни кеча ана шу муаммога бағишлаб соғлиқни сақлаш соҳаси касаба уюшмалари аъзоларининг митинги бўлиб ўтди. Митинг иштирокчиларининг таъкидлашича, ҳукумат тиббиёт ходимларининг талабини қондириши мумкин. Чунки яқин орада мамлакатда парламент сайлови бўлиб ўтади. Табиийки, бундай вақтда ҳукумат жамоатчилик талабини беэътибор қолдиришга журъат этмайди.

ЭСКАДРА ТАЙВАН САРИ ЙЎЛ ОЛАДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакат ҳарбий денгиз флотига қарашли яна бир эскадрани Тайван яқинига юборишга фармойиш берди.

Хитой бир неча кундирки Тайван яқинидаги ҳудудда ҳарбий машқлар ўтказмоқда. Куни кеча Форс кўрфазидан АҚШнинг 55 та жанговар самолётга эга «Нимиц» ҳарбий кемаси, «Портсмут» сув ости кемаси, шунингдек, яна бир қанча жанговар қайиқлари Жанубий Хитой денгизига томон йўл олди. АҚШнинг самолёт ташувчи яна бир жанговар кемаси — «Индепенденс» эса Тайвандан қарийб 100 мил. нарида турибди.

МУХОЛИФ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ТЎҚНАШУВ

Бангладешда ҳукумат бошлиғи Холид Зиё тарафдорлари билан мухолиф партия аъзолари ўртасида тўқнашув юз берди.

Натижада икки киши ҳалок бўлди, 200 га яқин киши эса жароҳатланди. Мухолиф партиялар тарафдорлари уч кундан буён ҳукуматнинг истеъфо беришини ва февраль ойида бўлган сайлов натижаларини бекор қилишни талаб қилиб намойиш ўтказмоқда. Намойишчилар, айниқса, пойтахт Дакка шаҳрида фаол ҳаракат қилмоқда. Шаҳарда транспорт ишламаяпти, савдо дўконлари, банк, давлат муассасалари ёпилган.

СУРАТДА: Болгариянинг Варна шаҳридаги катта порт.

ЖАНГ ҚАРИЙБ ТЎРТ СОАТ ДАВОМ ЭТДИ

Шри-Ланкада мустақил давлат барпо этиш учун кураш олиб бораётган «Тамил илама»-«Озодлик йўлбарслари» қуролли тузилмалари гуруҳи ҳукумат армиясига қарашли махсус қисмга тўсатдан ҳужум уюштирди.

Мамлакат Мудофаа вазирлиги вакилининг маълум қилишича, жанг қарийб тўрт соат давом этган. Натижада 20 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган. Ҳукумат қўшинларига ёрдам кучлари етиб келгач, исёнчилар чангалзорларга чекинишга мажбур бўлган.

• Ҳуқуқий-демократик давлат тамойиллари

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШИ

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ СИФАТИДА ТЎЛАРОҚ НАМОЙИШ ЭТИЛИШИНИ ҲАЁТ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлига киргач, миллий давлатчилик анъаналарига, қадриятларига мос келувчи ва халқнинг хоҳиш-иродасини тўла акс эттира олувчи ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Бунда хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари чуқур ўрганилди ва Ўзбекистон шароити эътиборга олинди. Натижада Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос ўзини-ўзи бошқариш органлари вужудга келди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари Конституциянинг 105 моддасига асосан фуқароларнинг йиғинлари ҳисобланади. Улар қишлоқ, шаҳарча, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фаолият кўрсатиб, икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Конституциянинг шу моддаси ҳолатидан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органлари тизимидан ажратилган ва алоҳида турдаги ҳокимиятни амалга оширувчи органдир.

Ўзбекистон ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини давлат органлари тизимидан алоҳида белгилаш билан бирга, фаолияти ва бошқа томонларига мутлақо янгича жиҳатлар киритди. Жумладан, деярли барча мамлакатларда (Россия, Туркманистон, Франция, Германия ва ҳакозо) бу институт маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш деб аталса, Ўзбекистон уни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши деб атади. Бу шунчаки номни ўзгартириш эмас, масаланинг моҳиятини билдирувчи ҳолатдир. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришга нисбатан, фуқароларнинг ўзини бошқариш сўзи ўзини-ўзи бошқаришнинг мустақил демократик институт сифатида тўлароқ кўрсатади. Сабаби, маҳаллий бошқарув фақат ўзини-ўзи бошқарув орқали эмас, давлат органлари орқали ҳам амалга оширилади, яъни маҳаллий бошқарувда давлат органлари ҳам иштирок этади. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг асосий вазифаси маҳаллий давлат бошқарувини амалга оширишдир.

Шунинг учун Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқарувни маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув эмас, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви деб номланиши, масаланинг асл моҳиятига мос келади ва ўзини-ўзи бошқарувнинг давлат бошқарувидан ҳоли эканлигини кўрсатади. Ўзини-ўзи бошқарувни давлат органларидан мустақил, ҳоли деганда, асло улар бутунлай давлат органларидан мутлақо ажратилган деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органлари назоратида иш юритади. Бу назорат шакллари, усуллари «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда аниқ белгиланган. Бу қонун Конституция номасини ҳаётга тадбиқ қилиш, ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолияти, ваколатлари, давлат органлари билан муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органлари тизимига кирмаслиги ҳақида қонунларда алоҳида сўз бўлмаса-да, лекин қонунларнинг мазмун ва маъносидан, уларнинг давлат органларидан ажратилганлиги ҳақида аниқ тасаввур қилишимиз мумкин ва амалда ҳам шунга эришилган. Айрим хорижий мамлакатларда ўзини-ўзи бошқарув давлат органларидан мустақил деб кўрсатилганлиги билан (Россия Конституциянинг 12-моддасида, Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди—деб белгиланган), баъзан бу қоидага зид ҳолатлар мавжуд. Масалан, Россияда 50 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган жойларнинг маҳаллий бошқарув маъмурияти бошлиғи ўлка, вилоят маъмурияти бошлиғи, яъни давлат органи томонидан тайинланиши белгиланган.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини аниқ бир хил поғонада маҳаллаларда тузилиши ва бир хил номлар билан аталиши, уларнинг Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида ўзининг муносиб ўрнини топишига, бозор муносабатларига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даврида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига сабаб бўлди. Албатта, шаҳар маҳаллаларида тузилган ўзини-ўзи бошқариш органлари билан қишлоқ ва шаҳарчаларда тузилган ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларида фарқ бор.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминловчи, уларнинг маънавий тарбиясига, ижтимоий ҳимоясига ва бошқа манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшувчи муҳим тузилмадир.

Кейинги пайтда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти янада фаоллашди ва кенгайди. Фуқаролик жамияти қуришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига катта умид боғлашмоқда. Буни Президентимизнинг «Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир», — деган сўзларидан ҳам билса бўлади. Фуқаролик жамиятида фуқаролар фақат давлат ва жамият ишларида иштирок этиш билан чегаланмайди. Бу жамиятда ҳар бир шахснинг фикри, овози эътиборга олиниши, ҳар бир киши ўзини тўла қонли шахс, жамиятнинг аъзоси деб ҳис қилиши керак. Бунда ҳам фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли каттадир.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил қилишда, шакллантиришда, Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи ушбу масалани ҳал қилишга миллий анъаналарни, қадриятларни тиклаш, аҳолининг туб манфаатларига мос келувчи йўлни танлаш нуқтаи назаридан ёндошиш бўлди. Яъни ўзини-ўзи бошқаришда асосий таянч қилиб маҳаллалар белгиланди.

Ўзбекистон маҳаллалари каби кучли, самарали ва таъсирчан восита бошқа мамлакатларда йўқ. У узоқ даврлардан ижтимоий ҳаётда беқиёс ўринга эга бўлиб келган. Инсон қалбида Ватан туйғусининг шаклланишига, миллий ғурурнинг вужудга келишида, миллатчилик иллатларидан ҳоли бўлишда катта таъсир кўрсатган.

Маҳаллалардаги муҳит орқали жамоат фикрини тўлароқ аниқласа бўлади. Демак, ушбу хислат Ўзбекистонга хос хусусиятдир. Бу эса умум эътироф этган демократия йўлларига мамлакатимиз қўшган ҳиссасидир. Ёки бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон демократияни янги ҳислатлар билан бойитмоқда.

Маҳаллалар фақат эски маҳалла ўринларида ташкил қилиниб қолмасдан, уларга кўп қаватли биноларнинг қўшилиши, ёки кўп қаватли биноларда иборат маҳаллаларнинг ташкил этилиши эса айни муддао бўлди, чунки бу кўп қаватли биноларда яшовчиларнинг ҳаётига маҳаллалардаги ижобий ҳолатларни олиб кириш имкониятини берди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти демократик жараёнларни ривожлантириш имкониятини кучайтирмоқда бу эса асосий мақсад — фуқаролик жамиятини қуришга кўмаклашади. «Биз ислоҳотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзгаришлар йўлидан олға силжиш, ҳаётимизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўзўзини бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча ислоҳотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиқидир», — деб таъкидланди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида.

Олий Мажлис сессиясида жамиятимиз ривожланишининг устивор масалаларига тўхтатилганлигига эътибор берсак, бу масала ҳозирги куннинг устивор масаласи деб белгиланганлигини тушиниш қийин эмас.

Ўзини-ўзи бошқариш муассасалари ва уларнинг фаолиятининг кенгайиши эса бевосита маҳаллаларнинг мавкеини кучайтириш билан боғлиқ.

Маҳалла бошқа мамлакатларда мавжуд бўлмаган, фақат Ўзбекистонга хос, давлат билан фуқароларни боғловчи муҳим кўприкдир. Унинг фаолияти натижасида давлат билан фуқаролар ўртасида алоҳида муносабатлар вужудга келади.

Юқорида мақсадимиз фуқаролик жамиятини қуриш деган эдик, бу фақат фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштироки билан чекланмайди. Бу жамият аъзоларини шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун имконият яратишдир. Бу ўз ичига сиёсий, иқтисодий, маънавий масалаларни олади. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалар фуқароларининг давлат ва жамият ҳаётида маълум мавкега эга бўлиши учун асос яратади. Бунга эса тарбия, ижтимоий муҳофаза чораларини кучайтириш ҳам киради. Демак ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки маҳаллаларнинг вазифаси, аҳолини давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш билан чекланиб қолмайди. Уларнинг муҳим вазифаси ҳар бир шахснинг онгини, маънавий камолатини ошириш учун, миллатчилик, маҳаллийчилик каби салбий жиҳатларни йўқотиш учун иш олиб бориш ва миллий қадриятлар, урф-одатлар, аъаналарга, Ватанга, давлатга, бошқа фуқароларнинг манфаатига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашдир.

Маҳаллалар ўзларининг жамғармалари, давлат томонидан ажратилган маблағлар ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига, ёрдамга муҳтож аҳолига катта ёрдам кўрсатмоқда. Бугунгача маҳаллаларда истиқомат қилувчи 12000 оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 1994 йилда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ўзи 200 га яқин шахс ва оилага 41 минг 189 сўмлик ёрдам кўрсатган. 1994 йил 23 августидаги юқорида тилга олинган фармонга асосан эса, жамғарма раёсатининг қарори билан ёрдам учун 100 минг сўм ажратилган. Булар ёрдамга муҳтож аҳолига катта мадад бўлиб, уларнинг маҳаллалар орқали аҳолига етказилиши эса, маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада юқори поғонага кўтаради.

Маҳаллаларнинг яна бир муҳим хизмати, бозор муносабати шаклланиши жараёнида табиий равишда вужудга келадиган ишсизликни камайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар белгилашдир. Бу соҳада маҳаллаларда катта ишлар амалга оширилянти.

Фақат Ўзбекистонга хос бўлган ва айнан маҳалла билан боғлиқ бўлган «Корхона-маҳалла» иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш масаласи катта умид уйғотмоқда. 1995 йил давомида республика бўйича шу гурдаги 204 та кичик ва хусусий корхона ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти орқали 3300 киши иш билан таъминланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маҳаллаларда аҳолини иш билан таъминлаш фақат иқтисодий масалани ҳал қилиш эмас, у бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чораси ҳамдир.

Ўзбекистондаги барқарорлик, тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва миллий тотувлик натижасида инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи— яшаш ҳуқуқи таъминланганлиги давлат олиб бораётган тўғри сиёсатининг натижаси бўлса, бунда маҳаллаларнинг ҳам сезиларли роли бор. Чунки тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик миллий тараққиётимиз учун хизмат қилади.

Озод ҲУСАНОВ,
юридик фанлари доктори.

Баҳорни бошлаб келган қушларга пешвоз. **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ сурат-лавҳаси.**

СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ ЛИЦЕЙИ

Кейинги пайтларда республикамизнинг турли шаҳарларида болаларга таълим-тарбия бериш усули бир қадар такомиллашган лицейлар очилди. Бугунги кунда Самарқандда ҳам бундай ўқув муассасаларининг бир нечтаси фаолият кўрсатмоқда. Лекин шаҳардаги 3-ўрта мактаб қошида очилган лицей ўз ихтисоси бўйича қолганларидан анча фарқ қилади.

Унда асосий эътибор солиқ хизмати тизими учун бўлғуси ходимларни тайёрлашга қаратилгандир. Уни битирганларга ўрта маълумот олганлиги тўғрисидаги ҳужжат билан бир қаторда солиқ хизмати бўйича ихтисосга эгалиги ҳақида гувоҳнома ҳам берилади. Лицейда ўқитиш пуллик. Шундай бўлса-да, у ерда таълим олишни истовчилар жуда кўп. Чунки бозор муносабатлари ривожлангани сари солиқ хизмати ходимлари сони ҳам тобора ошиши муқаррар.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

ТЕННИС: САТЕЛЛИТДАН ЧЕЛЛЕНЖЕРГАЧА

— Мен Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч томонидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Олтин Олимпия орденини тантанали топшириш маросимининг шоҳиди бўлдим. У менда сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган даражада таассурот қолдирди.

Биз Жаноб Каримовнинг ХОҚ штаб-квартираси жойлашган Лозанна шаҳрига Давосдан, Ер юзининг барча бурчагидан ҳукумат ва давлат раҳбарлари, таниқли иқтисодчилар, ишбилармон ва молия доираларининг намояндаларини жамлайдиган Жаҳон иқтисодий анжуманидан келишини билардик...

Жаноб Каримов Самаранч билан жаҳон спортининг турли жиҳатлари хусусида музокаралар олиб борди. Айниқса, жаноб Самаранчда Президентингизнинг жаҳон спорти хусусида мукаммал маълумотга эга эканлиги катта таассурот қолдирди.

... Маълумки, Лозаннада Олимпия музейи бор. Биз жаноб Самаранч билан ана шу музейнинг теннисга дахлдор бўлган кўргазмалар қисмини Президент кубоги учинчи турнири ўтаётган пайтда «Юнусобод» спортмажуига кўчиришга келишиб олдик.

— Сиз Президент кубоги турнири ҳақида сўз очдингиз, энди 1996 йилда бизнинг мамлакатимизда теннис турнирлари календари қай тарзда ташкил этилган, деган саволдан қочиб қутулолмайсиз...

— Баҳорда Ўзбекистон теннисчиларини мукофот жамғармаси 25 минг долларлик бўлган иккита челленжер типидаги турнир (22 апрелда Фарғонада, 29 апрелда Андижонда старт олади) кутяпти. 10 июнда Тошкентда биринчи марта аёллар халқаро турнири ўтказилади. 26 августда эса Самарқандда яна бир челленжер турнири (эркаклар ўртасида) бошланади. Бундан ташқари, Наманганда ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилиши режалаштирилган. Санаб ўтилган барча турнирлар давомида теннис анжомлари, жиҳозлар, кийимлар тарқатилади. Фақат биз аввал тажрибадан ўтказганимиздек томошабинларга эмас, балки клублар ва теннисни ривожлантираётган мактабларга инъом этилади.

— Сиз санаб ўтган мусобақалар орасида «Буюк ипак йўли» сателлит турнири таъкидланмади...

— Ҳа, биз сателлит турнирлари поғонасидан энди яна бир поғона юқорилаб, Ўзбекистон теннисчилари кўпроқ рейтинг очколари жамғариши мумкин бўлган челленжер-турнирлар пиллапоясига кўтарилдик. Албатта, челленжерларга бериладиган ижозат янада қатъий. Уларда Ўзбекистоннинг барча теннисчилари ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Лекин улар саралаш босқичда қатнашиш ва тажриба орттириш имконига эга бўлади. Иккинчидан турнир ташкилотчилари теннисчиси етарли рейтинг очкосига эга бўлмаса-да, бир нечта ўйинчисини, ҳатто асосий сетларга ҳам қўйиш ҳуқуқига эга-ку.

Швейцариялик бизнесмен Сассон Какшурининг Тошкентга келиши одатий бир ҳолга айланди. Тўғри, сафарининг ҳар бир дақиқаси ўлчовли бўлса-да, у ўзининг тиғиз иш дастурида журналистлар билан ҳам учрашишга вақт топади. Ушбу суҳбатимиз ҳам фикримизнинг далилидир. Жаноб Какшури бу сафар биринчи саволимизни кутмай, ўзи қуйидагиларни айтди:

— Фарғона, Андижон, Самарқанднинг турнир ўтказиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Ишончим комилки, бу шаҳарлар раҳбарлари турнирларни ўтказишнинг уддасидан чиқишади. Тўғри, муаммолар йўқ эмас. Менинг энг катта ташвишим Ўзбекистонга дунёнинг турли бурчакларидан келган теннисчиларнинг бу ердан хурсанд қайтишларини таъминлашдир. Бунинг учун яхши кортларга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Масалан, теннисчи Европа турнирига қайси транспортда келмасин, чегара божхонаси расмиятчилигидан саноқли дақиқалар ичида ўтади. Меҳмонхона, телефон, телевизор, ресторан, дискотека хизмати каби бошқа қулайликларнинг ҳаммаси муҳайё. Ўтган йили катта теннисни қабул қилган ҳар бир шаҳарда ўзига хос ютуқ ва камчиликлар бўлди. Лекин умумманода яхши натижага эришдик, ҳамма қатнашчилар мамнун қайтишди. Умид қиламанки, бу йил ҳам ҳар бир шаҳар ташкилотчилари ёрдамида барча муаммолар янада яхшироқ тарзда ечилади.

— Суҳбатимиз сўнгтида болалар теннниси тараққиёти дастури хусусида кенгроқ билишни истардик. Биз бу ҳақида Буюк Британия мутахассиси Себастьян Адамснинг Тошкентта келганлиги муносабати билан қисқача ахборот берган эдик.

— Президент Кубоги офиси делегацияси ва жаҳон даражасидаги эксперт Себастьян Адамс Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган теннис клубларида бўлиб, болалар билан ишлашнинг ташкил этилиши билан танишишди. Янада кўпроқ спортчиларни теннисга жалб этиш мақсадида болалар учун очиқ дарслар ўтказилди. Муҳитни синчиклаб ўрганишлар асосида 1996 йил март-август ойларига мўлжалланган тажриба тариқасидаги дастур ишлаб чиқилди. Унда мақсадлар бандма-банд қайд этилган. Маблағ ва иш жадвали ҳозирча пойтахтнинг «Саломатлик» клуби базасида ва Наманган теннис клубида. Ушбу тажриба ўзини оқласа, келгусида янада кенгроқ иш дастурига ўтилади. Бу ишларнинг ижобий натижа беришини жуда ҳам хоҳлардим. У теннис келажаги учун янги имкониятлар очарди.

— Сизларга муваффақият тилаймиз. Суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Сергей ДАНИЛОВ суҳбатлашди.

• Ёднома

ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ САРДОРИ ЭДИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихида ўчмас из қолдирган олимлардан бири—устозимиз Отабой Эшонов эдилар. У киши ҳуқуқшунослик, давлатшунослик фанига қўшган бебаҳо ҳиссалари билан катта шуҳрат қозонгандилар. Шу боисдан Отабой Эшоновични қардошларимиз: қозоқлар, қирғизлар, тожиклар ва туркман юристлар ҳам устоз сифатида номларини ҳурмат билан тилга оладилар.

Домланинг ибратли ҳаёт йўли ўзига хослиги билан фарқланиб туради. Бўлажак олим 1916 йил 15 мартда Тошкентда таваллуд топиб, ёшлигиданоқ илмга ихлос қўйди. 1936 йилда Совет қурилиши ва ҳуқуқи илмгоҳини юрист ихтисослиги бўйича тугаттач, таҳсилни Тошкент юридик институти аспирантурасида давом эттиради. 1941 йилда юридик фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ёқлайди. Сўнгра у Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтида бўлим бошлиғи бўлиб иш бошлайди. 1950 йили иттифоқ Фанлар академиясининг Ҳуқуқшунослик институтида Бухоро Халқ Республикасининг давлат тузилишига оид мавзудаги илмий ишини юксак савияда ҳимоя қилиб, Марказий Осиё маҳаллий миллат вакиллари орасида биринчи бўлиб юридик фанлари доктори деган илмий даражага, тез орада профессорлик унвонига сазовор бўлади.

Ярим асрдан кўпроқ илмий ва педагогик фаолият кўрсатган Отабой Эшонов Тошкент давлат дорилфунунининг давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи кафедрасига мудирлик қилди. Тошкент Олий милиция мактаби (ҳозирда ИИВ академияси)да маърузалар ўқиди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида сектор мудири, бўлим бошлиғи, директор лавозимларида ишлаб, ҳуқуқшунослик, давлатшунослик фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшди, кўпдан-кўп илмий кадрларни тарбиялаб етиштирди.

Ижтимоий фанларнинг кўп соҳаларида кенг мушоҳада юрита оладиган, уларнинг вакилларини юксак қадрлайдиган серқирра илм соҳиби — қомусий олим Отабой Эшоновнинг жонкуярлиги, фидокорлиги туфайли ҳуқуқшунослик ва давлатшунослик манбаларини ўрганишга оид 200 га яқин асар яратилди, 30 дан ортиқ китоб, рисола ва ҳамрик йўналишлардандир.

Олим яратган асарлар орасида унинг академик Хадича Сулаймонова билан биргаликда ёзган Ўзбекистон давлат ҳуқуқи ва тарихига доир уч жилдлик йирик асари Ўзбекистоннинг илмий-маданий тараққиётида ўчмас из қолдирди. Устозимиз О. Эшоновнинг бевосита раҳбарлигида республикамизнинг атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг уч жилдлик танланган асарлари чоп этилди. Мазкур ишнинг хотимаси сифатида ёзилган Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир қисқача очерк ҳам домла қаламига мансубдир. Вазирлар Маҳкамасининг Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарори эълон қилинган айни пайтда устознинг тадқиқотлари яна бир марта асқотиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Давлат бошқаруви ва ҳуқуқ ривожланиши қонунлари»га оид илмий, мувофиқлаштириш кенгаши етакчиси, И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган кенгашнинг раҳбари сифатида ҳам Отабой Эшонович тўплаган илм хазинасини шогирдларига саҳийлик билан меҳри дарё, элпарвар инсон бўлганлигидир. Шу боисдан турли миллат вакиллари унга шогирд тушишни ўзларига бахт деб билардилар.

Узоқ сафарлар чоғида инсоннинг қандайлиги, айниқса, яхши билинади. Мен домла билан кўп сафарларда бирга бўлиб, у кишига ўзгаларнинг муносабатини кузатганман. Бир гал Москвада бўлганимизда, Отабой ака билан машҳур давлатшунос олим Мартисевич Иосиф Демяновичникига меҳмонга бордик. Мезбон рафиқасига домлани таништирар экан: «Знаешь, мать, Атабай Ишанович — патриарх юридической науки в Узбекистане», яъни у Ўзбекистонда юридик фанининг отахони ҳисобланади, деган эди.

Келажакка доимо ишонч билан қараган устозимиз бошқаларни ҳам доим умид билан яшашга чорларди. Отабой ака халқимиз қисматига оғир кунлар тушиб, ажойиб кадрларимиз айбсиз айбдор бўлганлигини, Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун курашган Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовдек ватанпарварлар асоссиз қурбон бўлганликларини зўр ўкиниш билан ҳис қилиб, республикамиз истиқлолга эришажагига, ёруғ кунлар келишига, шу йўлда заҳмат чеккан улуғ инсонлар яна руёбга чиқишига ишонар эди. Отабой Эшонович ҳаёт бўлганларида 80 баҳорни қаршилаган, мустақил Ўзбекистон илмуфани ривожига анчагина ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Қувонарлиси шундаки, у киши бошлаган хайрли ишлар шогирдлари томонидан давом эттирилмоқда.

Абдумажид ШУКУРОВ.

• Тарих саҳифалари

КУЙДИРИЛГАН «КАНИЗАК»

Абдулла Қодирий ҳибсга олинганида, унинг сўнгги қўлёзма асари терговчилар томонидан ёқиб юборилган эди

Бу ҳақда гапни нимадан бошлаш анча мушкул. Яхшиси, машҳур шоира Нодирабегимнинг «Ажаб» сарлавҳали шеъридан қуйидаги тўртликни келтирсак:

«Баски, мажнундир анинг ҳуснига гулшан гуллари,
Ғунчалардиндир чаман бўйнида тумори ажаб.
Айлади ошуфта таъбимни паришон дурраси,
Қилди бахтимни қаро холи ситамкори ажаб!»

Сезган бўлсангиз, Нодирабегим тенги йўқ бир гўзални тасвирлаб, у бахтимни қаро қилди деяпти. Ҳассос шоиранинг қалбини дардга тўлдирган ким экан? Бу саволга машҳур тарихчи Ҳакимхон Маъсумхон ўғлининг «Мунтахабут таворих» китобидан жавоб топиш мумкин: «Фарғона ҳукмдори амир Умархон умрининг охирида қизиқ бир воқеани бошидан кечирган. У ўзининг умр йўлдоши Нодирабегимнинг она шаҳрига, қайнотасиникига меҳмонга борганида Шаҳрихон шаҳар ҳокими Жиловдор Иноқ билан суҳбатлашиб ўтирарди. Шу пайт ҳокимнинг хотини даб-дурустдан кириб, Ўратепадан кўчиб келган, қўл учида кун кечираётган Саидғозихўжа деганнинг Хонпошша исмли қизининг гўзаллигини шу қадар таърифлайдики, асти қўяверасиз. Умархон ўша заҳотиёқ қизникига совчи юборади. Қизнинг ота-онаси унинг ҳали балоғатга етмагалигини, ғўдаклигида бешиккерти қилинганини айтиб, икки аёл совчини қайтариб юборишади. Шундан кейин хон Ботирхон исмли вакилини иккинчи бор совчиликка йўллайди. Бу гал ҳам қизнинг ота-онаси юқоридаги гапларни айтиб, вакилнинг пўписаларига ҳам қулоқ солмайдилар. Охири Умархон ўша даврнинг кўзга кўринган олими, шоири, тарихчиси Ҳакимхоннинг ўзини Ботирхонга қўшиб, қайтадан совчиликка жўнатади. Сўнгги марта совчиликка эътиборли киши — Ҳақимхон келганлигини ҳисобга олиб, Ботирхоннинг даҳанаки дўқ-пўписасидан чўчиган Саидғозихўжа розилик беришга мажбур бўлади. Совчилар қизни яхшилаб кийинтиришиб, хон ҳузурига киритишади. Аммо, хон унинг балоғатга етмаганини ҳисобга олиб, қанизаклар орасида тарбиялашни буюради...»

Шу ўринда Умархоннинг қандай одамлиги ҳақида ўз фикримни айтиб ўтишни лозим топдим. 1985 йили Қўқон шаҳрига борганимда шоир Чархийнинг истеъдодли шогирди Комил Жўра мени «Шоҳлар даҳмаси» қабристонини зиёрат қилишга бошлаб борди. Қабристон қоровули (кўп йиллардан бери бу ерга мурда қўйилмайди, шу боис гўрков ўрнида қоровул бор) дарвозани очди. Кираверишдаги супага ўтириб, ўтганларнинг руҳиларига тиловат қилдик. Юбилей муносабати билан Нодирабегимнинг қабри ташқаридаги боққа кўчирилган экан, қолганлари эса қаровсиз ҳолда. Йигирмадан ошиқ икки метрлик мармарга ёзилган қабр тошлари ииб қўйилган. Қоровул буларни ўқиб, кўчириб оладиган кимса йўқ, ҳаммаси хон-хонзодаларники, деб қўйди. Мен Амир Умархоннинг қабри қаердалигини сўрадим.

— Анави остона тагида. Хон ҳазратлари «Мени қабристон дарвозаси остонаси тагига кўминглар, одамлар босиб ўтсин, сабаби хонлик туфайли билиб-билмай қилган гуноҳларим кўпдир», дея васият қилган эканлар. Сиз ҳам у кишининг қабрини босиб ўтдингиз. Қаранг, остона атайлаб қулоч етмайдиган жуда катта арча дарахтидан ясалган, — деди қоровул.

Бу гапдан аъзойи-баданим жимирлаб кетди...

Аслини олганда, Амир Умархон салтанатининг давом этмай қолишига ўша гўзал қанизак ҳам сабабчи бўлган. 1822 йили отаси вафотидан кейин унинг катта ўғли Муҳаммад Алихон тахтга ўтиради (кўпинча уни Маъдалихон деб атаганлар). У отаси тириклигидаёқ ёш қанизак Хонпошшани зимдан севиб қолганди. Тахтга ўтиргач эшони Маҳдум Султонхон тўра Адони ва бошқа уламоларни ҳузурига чорлаб, унга уйланиши учун шариатдан йўл топиб беришларини сўрайди. Улар норозилик билдирганлари учун саройдан ҳайдаладилар. Маъдалихон яна икки муллани ишга солиб, қандай бўлмасин қанизакка уйланиш йўлини ахтаришни буюради. Улар қадимий ривоятларни келтириб, шариатдан йўл топган бўладилар. Оқибатда Маъдалихон отасининг қанизагига уйланади. Ўғлининг бундай ножўя қилмишидан Нодирабегим ҳам қаттиқ хафа бўлади. У кичик ўғли Султонхон Маҳмуд билан бирга Маъдалихонни ўртага олиб йўл-йўриқ кўрсатади. Хон онасига ҳеч нарса демаса ҳам укасини йўқ қилиш пайига тушади.

Хоннинг қилмишидан бутун Фарғона халқи норози бўлиб намойишга чиқади. Бундан чўчиган хон Хонпошшани вақтинча Марғилонга юборади. Кейин эса ими-жимида яна у билан яшай бошлайди. Кўп ўтмай фарзанд ҳам кўради.

Қанизак ҳақидаги миш-мишлар Бухоро Амири Насруллонинг ҳам қулоғига етади. Фарғонадан қочиб борган Маҳдум Султонхон тўра Адони у сарой шайхулисломи этиб тайинлайди, ундан ёш қанизакнинг таърифини эшитиб, кўриш иштиёқига тушади. Бу орада Ҳакимхон Россия сургунидан қайтиб келаётиб Бухорода амирнинг меҳмони бўлади. Шаҳрисабзда акаси зуғумидан қочиб юрган Султонхон Маҳмуд эса Бухоро ҳукмдори амир Насруллога қуйидагича мактуб йўллайди: «Эшитишимча, акам Муҳаммад Алихон ўзбошимчалик билан отамнинг хотинларидан бирини никоҳига олган. Шаҳри Бухоро Шариф аҳли уламолар маконидир. Руҳонийлар бу муаммони қандай баҳолар эканлар? Бутун Моровуннаҳрни ўзига итоат эттирган Сиздек буюк амир бундай ифлос ишга қандай қарайдилар?»

Мактуб Амир Насруллога дастак бўлиб, у зудлик билан Қўқонга элчи юборади. Бироқ Маъдалихон уларни хуш кўрмай, калтаклаттиради. Бундан ғазабланган амир Насрулло лашкар жўнатади. Шаҳар яқинидаги бир жойда Маъдалихон элчилари жуда катта совға-саломлар билан лашкарбошиларни кутиб олишади, ўртада сулҳ тузилади. Бухоролик лашкарлар маълум шартлар билан орқага қайтишади. Бу шартлар орасида Хонпошшани хон уйидан ҳайдаш масаласи бор эди. Маъдалихон уни икки боласи билан яна Марғилонга «ҳайдаб» юборган бўлади. Аслида бу шунчаки бир ниқоб эди, холос. Буни билган Амир Насрулло ғазаб отига миниб, 1842 йилда Қўқонга юриш бошлайди. Қаттиқ жангларда бухороликлар ғалаба қозонишиб, Нодирабегим, Маъдалихон, Султонхон Маҳмуд ва уларнинг фарзандлари қиличдан ўтказилади. Хонпошша ва унга уйланишга хонга йўл топиб берган икки мулла Бухорога олиб кетилади. Тарихчи Ҳакимхоннинг ёзишича, амир Насрулло Хонпошшани ўз никоҳига олиб, у билан икки ойча яшайди. Бир куни кечаси маст ҳолда ухлаб ётган амир ўртанча хотини Кенагас бегим томонидан ўлдирилади. У шаҳрисабзлик ёш бек Ёқуббекнинг гўзалликда довруғи кетган жуфти-ҳалоли эди. Амир Насрулло уни зўрлик билан ўз никоҳига олган эди. Севган эридан тортиб олиниши, шунингдек яна бир гўзалнинг куч билан унинг устига олиб келиниши бегимнинг газабини қўзғатиб юборади. Амирнинг қотиллари сифатида Хонпошша ҳам ўлдирилади. Шундай қилиб энг гўзал қанизаклар воқеаси улкан фожиа билан тугайди.

Юқоридаги воқеалар Абдулла Қодирийнинг энг сўнгги асари — «Қанизак»нинг асосий ўзагини ташкил этган бўлиши керак. Адиб ҳибсга олинмасидан сал олдин китобхонлар билан бўлган учрашувда унга «Сиз ҳозирги кунда қандай янги асар устида ишлаяпсиз?» деб савол беришган.

— «Қанизак» деган асаримни ёзиб тугатиш арафасидаман. Бироқ бу асарим босилиб чиқса, ўқувчиларим «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»ни ўқимай қўйишадими, деб қўрқаман.

Ёзувчининг жавобидан сезилиб турибдики, ёқиб юборилган роман китобхонларнинг қўлидан бир умр тушмайдиган асар бўларди. Афсуски, уни ўқиш ҳеч кимга насиб этмади.

Ёндирилган бу роман аслида анча йиллар илгари ёзилиши керак эди. Адиб «Меҳробдан чаён»ни ёзиб тугатаётган пайтда Раънога хон совчи юбориши воқеасининг ишонарли бўлиши учун Қўқон ва Марғилонга бориб, «Амир Умархоннинг канизи» тўғрисидаги ғаройиб воқеадан хабардор бўлади ва бу тафсилотни қисқача бадиий бўёқларда тасвирлаб, асарнинг иккинчи боби қилиб «Меҳробдан чаён»га киритади. Ўшандаёқ бу ҳақда катта асар ёзишни дилига тугиб қўяди. Кейин яна Қўқон, Марғилон, Шаҳрихон шаҳарларига бориб Хонпошша воқеасини миридан-сиригача ўрганади. Ҳакимхоннинг «Мунтаҳабут таворих» асарини топиб ўқийди. Бироқ давр тақозоси билан «Обид кетмон»ни ёзади. Сўнг «Канизак» асари учун йиғилган материалларни қайтадан кўриб чиқиб, яна водий сафарига жўнайди. Қариялардан канизак тўғрисидаги ривоят ва аниқ далилларни эшитиб, ёзиб олади. Янги асарнинг айрим боблари қоғозга туширилган пайтда ўзбек тилини яхши биладиган шарқшунос олима, таржимон Лидия Соцердотова «Меҳробдан чаён»ни рус тилига ўгириш мақсадида Тошкентга келиб, адиб билан бир неча бор суҳбатлашади. «Амир Умархоннинг канизи» бобига ўзининг танқидий мулоҳазасини билдиради, яъни Бухоро амири битта канизакни деб Қўқонга бостириб келмагандир. Асосий мақсад иқтисодий манфаатлардан иборат бўлган бўлиши керак, деган фикрларни ўртага ташлайди. Шунда адиб бу боб шунчаки Маҳдумни фош этиш учун киритилгани, бу ҳақда алоҳида асар ёзмоқчи бўлганини айтиб, таржимон айтган фикрлар янги асарида ўз аксини топишига ҳам ишора қилади... Ким биладн дейсиз, ёндирилган қўлёзмада Маҳдумнинг пасткаш ва қўрқоқлиги, Бухоро амирининг молдунё учун Қўқонга бостириб келганлиги, айниқса, бир шўрпешона ёш қиз — Хонпошшанинг тақдири таъсирли сатрларда ифодаланганди. Нодирабегимдек бир нозиктаъб шоиранинг фарзанд, халқ, бир мунча тараққий этган давлатнинг барбод бўлиши борасидаги чеккан азоблари кўзларга ёш келтирадиган услубда тасвирлангандир. Минг афсуски, «Канизак»нинг охирги боблари тугамасдан аввал адиб ҳибсга олинган, юрак қони билан яратилаётган, ҳали ҳеч ким ўқимаган қўлёзма эса ўйламай-нетмай ёқиб юборилган.

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ,
ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

16 ёшгача ногирон болани парвариш қилган давр умумий стажи камида 5 йил бўлганидагина стажга қўшиладими?

Э. ҲАСАНОВА,
Олот тумани.

Йўқ, 1 гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 30 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган давр ҳеч қандай шартларсиз стажга қўшилади.

***

Иккинчи жаҳон уруши йилларида олий, ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида ўқиган ёки болани парвариш қилган вақт стажга имтиёзли тарзда қўшиладими?

Э. РЎЗИМУРОДОВ,
Арнасой тумани.

Йўқ. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида фақат ишлаган ёки ҳарбий хизматни ўтаган вақт стажга имтиёзли тарзда, яъни икки ҳисса баробарида қўшиб ҳисобланади.

***

Диний ўқув юртларида ўқиш даври меҳнат стажига қўшиладими?

А. АШУРОВ,
Оқдарё тумани.

Ҳа, қўшилади. 1991 йил 14 июндаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига асосан олий ва ўрта диний ўқув юртларида кундузги бўлимда ўқийдиган фуқаролар, давлат ўқув юртларида ўқийдиганлар учун белгиланган тартибда ўқиш даврини меҳнат стажига қўшиш бўйича ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

***

Бир вақтда 2-3 жойда ишлаб олинган иш ҳақлари пенсия тайинлашда қандай ҳисобга олинади?

Ш. ФОЗИЛОВ,
Избоскан тумани.

Янги қонунга асосан бир неча жойда ишлаб (ўриндошлик учун) олинган иш ҳақлари энг кам иш ҳақининг етти ҳиссаси доирасида тўлиқ олинади.

***

I гуруҳ кўзи ожиз ногирон ёлғиз бўлса, унга қандай қўшимча берилади?

С. БОҚИЕВ,
Тошкент шаҳри.

Кўзи ожиз 1 гуруҳ ногирони пенсиясига, у ёлғиз бўлса ҳам, қонуннинг 28-моддаси («г» бандида кўрсатилган қўшимча) энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида) берилади. Ушбу модданинг «е» бандидаги қўшимча фақат II гуруҳ ёлғиз ногиронларга берилади.

• Мулоҳаза

ЮРТ ТУЙҒУСИ

Тошкент Давлат аграр университетида «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ректори, профессор Алишер Азизхўжаев қатнашди ва маъруза қилди. Конференция иши ҳақида Аграр университети ректори вазифасини бажарувчи, профессор Абдуфаттоҳ Абдуллаев қуйидагиларни гапириб берди:

Ўзбекистонни садоқатли ва ватанпарвар кишиларгина буюк давлатга айлантира оладилар. Ватанпарварлик тарбияси инсонда илмий ва ахлоқий теранлик, ҳуқуқий саводлилик, бурч ва масъулиятни чуқур ҳис қилиш, поклик, ҳалоллик, фидойилик, меҳнатсеварлик, ижодий ташаббускорлик, миллатпарварлик ва инсонпарварлик каби фазилатларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Ватанга бўлган муҳаббат дабдабали ваъдаларда, чиройли шиорларда эмас, балки Ватан ва миллат манфаатлари йўлида қилинган амалий ишларда намоён бўлади. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, «Ватанпарварлик эътиқоди ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга сингиб,келажак авлодларга муқаддас бойлик, муқаддас мерос бўлиб ўтиши керак». Ватанпарварлик тарбияси ёшларнинг илмий, ахлоқий камолати даражаси ва имкониятлари, жамиятнинг истиқбол режалари билан боғлиқ равишда оилада, болалар боғчаларида, умумтаълим мактабларида, олий ва махсус ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда маълум режа асосида изчил амалга оширилмоғи, мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларга хос маънавият бўлмоғи зарур.

Ҳозирги кунда ватанпарварлик тарбиясини, ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида, дарсдан ташқари олиб борилаётган таълим-тарбия ишларида амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Агар бу борадаги тадбирлар мавсумий бўлиб қолса, ундан самара чиқмайди. Чунки ёшларнинг етарли билимга эга бўлишлари биринчи навбатда Ватан ва миллат истиқболи учун керакдир. Фан асосларини чуқур эгаллаган ёшларгина истиқлол ва истиқбол йўлида фидокорона ишлайди.

Мустақиллик туфайли республикамиз ёшлари ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларида билим олиш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, бизнинг бир гуруҳ иқтидорли талаба ва аспирантларимиз Туркия ва Жанубий Корея университетларида ўқиб, чет тилларни ҳам пухта эгаллаб келдилар. Демоқчиманки, баркамол, етук кадрларни тарбиялашни, маърифатсиз, маънавиятсиз, илм-фансиз амалга ошириш қийин.

Ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда Ватанимиз тарихини, халқимизнинг миллий мероси ва қадриятларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Отаболоримиз қолдирган улкан меросни ўрганиш, тартиб этиш билан бирга уни янада ривожлантириш ҳам тақозо этилади. Шундагина жамият тараққий этади, маънавият юксалади. Ўзбекистонда тинчлик, тотувлик, барқарорликни сақлашга интилиш ҳам ватанпарварликдир. Энг муҳими, «Ватан менга нима берди? деб эмас, балки «Мен Ватанга нима бердим?» деган эзгу-фикр билан яшаб, меҳнат қилмоғимиз шарт. 10 та ихтисослик бўйича кадрлар тайёрлайдиган университетимизда бу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Талабаларга биринчи курсдан бошлабоқ Ватан истиқболи учун хизмат қилиш туйғуси сингдирилмоқда. Яхши жиҳозланган кутубхона, Германия, Венгрия, Польша, Чехия каби мамлакатларида ишлаб чиқилган илмий лабораториялар, тажриба станцияси, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ўқув-тажриба хўжалиги, ҳисоблаш маркази ўқитувчилар, аспирантлар ва талабалардаги билимни оширишга хизмат қилади. Номзодлик имтиҳонларини топшириш учун инглиз, рус тилларидан, фалсафа ва ҳисоблаш техникаси фанларидан дарслар уюштирилган. Сўнгги 3 йил мобайнида 25 нафар хорижий аспирант бизда ўз илмий ишини ёқлади.

Илмий мавзулар, илмий тадқиқотлар 13 та катта мавзу билан боғланган бўлиб, улар Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасининг умумий мавзусига киритилган. Бу мавзулар бозор иқтисодиётида, маркетинг, менежмент, макро ва микроиқтисодиёт, сабзавотчилик, ўсимликшунослик, пахтачилик, боғдорчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, чорвачилик муаммоларини ўз ичига олади.

Университет қошида коллеж очиш ҳам ёшларга қучли билим беришнинг бир йўлидир. Чунки коллеж ва бакалавриатнинг I-II курс талабалари бир хил ўқув режаси асосида ўқитилади. Бакалавриатнинг II-босқичида талабалар билими сараланиб, паст рейтинг баллар тўплаган талабаларни коллежга тушириш, коллежда аъло натижаларга эришган юқори рейтингли талабаларни бакалавриатнинг III-босқичига қабул қилиш режалаштирилган.

Ҳозирда олий маълумотли мутахассиснинг бирон чет тилини (инглиз, немис, француз) мукаммал билиши давр талабидир. Шу сабабли агрономия мутахассисликлари учун 180 соат, агроиқтисодчилар учун 400 соат чет тили ажратилган. Чет тили кабинет тизимида гуруҳларга (5-8 талаба) бўлиб ўқитилади ва замонавий ўқув воситаларидан кенг фойдаланилади. Талабалар билимини баҳолашда тест рейтинг усули тўлиқ жорий этилди.

Университет олий ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб уч семестрли ўқув жараёнига ўтдик. Ўзлаштиришни яхшилаш ҳамда академик қарздорлар сонини кескин камайтирди. Шунингдек, ходимлар билан меҳнат битими тузишнинг шартнома тизимига ўтиш ҳам яхши самара бермоқда. Хуллас, ёшларни билимли ва ватанпарвар этиб тарбиялаш ҳамиша диққат марказимизда. Конференцияда мана шуларга батафсил тўхтаб ўтилди.

Ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва такомиллаштириш инсон туғилган кундан то умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Унда фаол иштирок этиш ва муносиб улуш қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

«Халқ сўзи» мухбири
Г. ҲУСАНОВА ёзиб олди.

TASHKOCAUTO



GOOD YEAR маркали жаҳонга машҳур шиналар:
175 70 R 13 (баҳоси 60 доллардан)
185 70 R 13 (баҳоси 65 доллардан)
Аккумуляторлар:
6 СТ 55 (баҳоси 50 доллардан)
6 СТ 60 (баҳоси 55 доллардан)
"ТАШКОЧАВТО"
ўзбек-турк қўшма корхонасининг
Тошкентдаги омборидан сотилади.
Сўмларда тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича.
Тўлов шакли хоҳишига қараб.
Манзил: Тошкент ш.,Ойбек даҳаси,47.
Телефонлар: 54-99-27,54-83-98.
Факс: 89-13-61.

"ТАШКОЧАВТО" ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

CASABLANCA

ЖАҲОНГА МАШҲУР ФИРМА
"Освал–Касабланка"

Қўшимча сийлов учун қирқиб олинадиган талон

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРНЧИ МАРТА!
эркаклар, аёллар ва болалар учун жундан тайёрланган
свитер, кофта, жемпер, гамаш, адёл, велюр халат, спорт костюми ва бошқа кийим-кечакларнинг қишқи савдоси.
Хушбичимлиги ва сифатли жаҳон андозалари даражасида, бироқ,нархига бемалол қурбингиз етади..

"Освал-Касабланка"
фирма дўконларида қирқиб олинадиган талонни кўрсатсангиз қўшимча сийлов оласиз..
Тошкент шаҳридаги фирма дўконлари манзили:
Фарҳод кўчаси, Фарҳод бозори ёнида.
Тел.: 74-85-68, 74-28-02.
Шимолий вокзал,
пиёдаларнинг ер ости ўтиш йўли,
"Тошкент" метро бекати.

Улгуржи харидорларга қўшимча сийлов бор..
Ҳақ тўлаш шакли - ихтиёрий.
Улгуржи харидорлар учун телефонлар: 45-71-88.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси Сирдарё вилояти божхона хизмати бошлиғининг ўринбосари Шоакбар Юнусовга падари бузруквори
ШОНИЁЗ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчиси Меҳринисо Салимовага акаси
Алишёр САЛИМОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирликнинг Моддий техника ва таъминот бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги М. А. Турсунхўжаевага волидан муҳтарамаси
ЗУҲРА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорациясининг меҳнат жамоаси бошқаруви раисининг ўринбосари Аҳмедов Алижон Аҳмедовичга онаси
Майрамой ая РАҲИМОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзнефтгазқурилиш» Давлат-акционерлик бирлашмаси меҳнат жамоаси «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Алижон Аҳмедович Аҳмедовга волидан муҳтарамалари
Майрамой РАҲИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Биринчи Тошкент Давлат медицина институтининг жамоаси 2-ортопедик стоматология кафедраси мудири, профессор М. В. Бекметовга онаси
Тўхтахон БЕКМЕТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи ректорлиги Педиатрия кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Майиддин Расулович НУРИДДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи ректорлиги Нур ташхиси ва нур терапия кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзб. Ф. А. мухбир аъзоси Жалол Насирович Мақсумова, рафиқаси ички касалликлар кафедрасининг доценти Ширин Жалоловна Асқарова, урология кафедрасининг доценти Камалиддин Жалолович Мақсумова оналари
Шарифа МАҚСУМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Жумаев.
Навбатчи — Т. Долиев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0139. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6